

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

# The Light of Islam

ISLOM ZIYOSI ضياء الإسلام

---



1-сон 2022 йил

---

**Tahrir hay'ati:**

**Kamilov M.** t.f.n.

(bosh muharrir)

**Maxsudov D.** t.f.d., dot.

(bosh muharrir o'rinbosari)

**Islomov Z.** fil.f.d., prof.

**Hasanov A.** t.f.d., prof.

**Muhamedov N.** t.f.d., dot.

(mas'ul kotib)

**Gafurova I.**

(nashr uchun mas'ul)

**Sonmas Kutlu.** DSc on Islamic Theology. Ankara State University, Professor of Theology Faculty. Turkey [academic2011@gmail.com](mailto:academic2011@gmail.com)

**Peri Benedek.** DSc on Oriental Studies. Director of the Faculty of Humanities of the Institute of Oriental Studies under the Eötvös Loránd University of Hungary. Hungary [torok@btk.elte.hu](mailto:torok@btk.elte.hu)

**Ashirbek Muminov.** Doctor of Historical Sciences, Professor. IRCICA, Kazakhstan [Muminov9703@yahoo.com](mailto:Muminov9703@yahoo.com)

**Rafik Muhametshin.** Doctor of Political Sciences, Professor. Rector of Russian Islamic Institute, Russia [rafikm@mail.ru](mailto:rafikm@mail.ru)

**Daniyar Mavliyarovich Abdrakhmanov.** PhD of Historical Sciences. Rector of the Bulgarian Academy [daniyar.abdrakhmanov.m@gmail.com](mailto:daniyar.abdrakhmanov.m@gmail.com)

**Max Scherberger.** PhD in Islamic Studies. Germany [maxscherberger@yahoo.de](mailto:maxscherberger@yahoo.de)

**Amir Navruzov.** Candidate of historical sciences, Dagestan, leading researcher of the Institute of History, Archeology and Ethnography of the Daghestan Federal Research Center of the Russian Academy of Sciences, [anavruzov@rambler.ru](mailto:anavruzov@rambler.ru)



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 25.02.2022 йилдаги 03-07/1294-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

## МУНДАРИЖА

## ИСЛОМШУНОСЛИК

**Sh.A.Yovqochev.** The contribution of the peoples of Mawarannahr to the islamic sciences and culture..... 4

## ИСЛОМ ТАРИХИ

**N.A.Mukhamedov.** Шайх Зайниддин фаолияти ва зиёратгоҳининг Тошкент маънавий ҳаётида тутган ўрни..... 15

**Z.Aripova.** Мисрда ҳукм сурган туркий сулолалар ..... 22

**M.M.Agzamova.** Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг илмий мероси ..... 33

## ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

**R.Adygamov.** Вклад структурных подразделений и приходов ДУМ в социальную жизнь Республики Татарстан ..... 40

**B.B.Mamadiev.** О некоторых особенностях научно-методологического исследования регулятивной роли фетв, используемых в дерадикализации населения в мусульманских странах ..... 46

## ДИНШУНОСЛИК

**M.Alimova.** Диншуносликни ўқитишда замонавий услублардан фойдаланишнинг аҳамияти ..... 56

**J.X.Najmiddinov.** Замонавий миссионерлик услублари ва амалга ошириш воситалари ..... 66

**D.Turdieva.** Глобаллашув шароитида диний омилнинг жамият ҳаётига таъсири ..... 75

## ТИЛШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

**X.K.Imamova.** Турк тилида ҳурмат категорияси ифодаланишининг лексик усули хусусида ..... 87

**B.Muxtarov.** XI-XII асрлар Мовароуннаҳрда ёзилган ҳанафий фикҳига оид асарларнинг ўзига хос услублари ..... 98

**A.Kazakbayev.** Ал-Муъиззийнинг “Тасриф ал-Афъал” асари ва ундаги феъл бобларининг таснифлаш услуби ..... 106

## МАЪНАВИЯТ

**H.Ahmedov.** Инсон маънавий юксалишида ижтимоий тараққиётнинг роли..... 117

## ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

**M.M.Khaydarov. J.J.Abdukadirov.** Islom hamkorlik tashkilotiga a’zo davlatlarda ziyorat turizmini rivojlantirish omillari (Indoneziya, Malayziya va Turkiya misolida) ..... 127

## ШАЙХ ЗАЙНИДДИН ФАОЛИЯТИ ВА ЗИЁРАТГОҲИНИНГ ТОШКЕНТ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

### ЛИЧНОСТЬ ШЕЙХА ЗАЙНИДДИНА И РОЛЬ ЕГО НАСЛЕДИЯ В СОЦИАЛЬНО- ДУХОВНОЙ ЖИЗНИ ТАШКЕНТА

### THE ROLE OF ACTIVITIES OF SHEIKH ZAYNIDDIN AND HIS MAUSOLEUM IN THE SPIRITUAL LIFE OF TASHKENT

**Nematullo A. MUKHAMEDOV**  
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF  
UZBEKISTAN  
Doctor of Historical Sciences,  
Department History and Source  
Studies of Islam-IRCICA  
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan  
e-mail: [nematullomukhamedov123@gmail.com](mailto:nematullomukhamedov123@gmail.com)

DOI: 10.47980/IIAU/2022/1/2

**Аннотация.** Тошкент – ўрта аср манбаларида Шош деб номланган. Шошдан ҳадис, фикҳ, тасаввуф каби ислом илмларида кўплаб таниқли олимлар етишиб чиққан. Бу ерда туғилиб, фаолият кўрсатган кўплаб буюк зотлар, олимлар “Шоший”, “Тошкандий” (XIV асрдан) нисбаси билан дунёга танилганлар.

Қадимий Тошкентда машҳур олимлар, муҳаддис ва фақиҳларнинг зиёратгоҳлари мавжуд. Айнан шу ерда Занги ота, Шайх Умар Валий Богистоний, Шайх Хованд Тахур, Шайх Зайниддин Кўйи Орифон ва бошқа алломалар мақбаралари жойлашган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри тўрт даҳага бўлинган. Манбаларда қайд этилишича, шимолӣ даҳа – Қарфол Шоший, жанубийси – Зангиота, шарқийси – Шайх Хованд Тахур ва ғарбийси – Шайх Зайниддин номлари билан эътироф этилган. Бироқ шаҳар аҳли ўртасида эса улар Себзор, Бешёғоч, Шайхонтахур ва Кўкча деб юритилган.

Ўша даврда Кўкча даҳасида уч дарвоза (Сағбон, Чигатой ва Кўкча), 57 маҳалла, 47 мавзе, 60 масжид ва икки мадраса бўлган. Даҳанинг чорбоғлари Назарбек, Кўксарой ва Келес дарёси бўйларидаги жойларда бўлган. Даҳанинг эътиборли жойларидан бири Кўкча дарвозасидан ташқаридаги Орифон (билимдилар) қишлоғидаги мазоргоҳ ҳудудида Шайх Зайниддинбобо мақбараси қурилган. Тарихий манбаларда даҳанинг номи Шайх Зайниддин даҳаси деб ҳам юритилган.

Кўкча маҳалласи тарихи бевосита Шайх Зайниддинбобо билан узвий боғлиқ. Бу зотнинг отаси бағдодлик машҳур сўфий, суҳравардия тариқатининг раҳнамоларидан саналган шайх Шаҳобиддин Суҳравардий (1145-1235) бўлган.

Ушбу мақолада суҳравардия тариқати асосчиси Шайх Суҳравардий (1145-1234)нинг фарзанди Шайх Зайниддин Кўйи Орифон (1164-1259) ҳаёти ва фаолияти тарихий манбалар асосида тадқиқ этилган. Амир Темур томонидан қурилган мақбара тарихи, зиёратгоҳнинг Тошкент маънавий ҳаётида тутган ўрни ўз ифодасини топган. Муҳими, Шайх Зайниддиннинг тинчликсеварлик фаолияти ҳамда кишилар ўртасида меҳр-оқибат, ҳалоллик, саховат, яхшилик каби қадриятларни тарғиб қилгани таҳлил этилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Тошканд, Кўкча даҳаси, тасаввуф, тариқат, Амир Темур, Шайх Суҳравардий, Шайх Зайниддин Кўйи Орифон, сўфи, мулла, мусулмон, комил инсон, саховат, яхшилик.

**Аннотация.** В средневековых источниках город Ташкент именовался Шаш. Именно отсюда вышло множество учёных, чья деятельность была тесно связана с такими исламскими науками, как фикх, хадис, суфизм и др. К имени родившихся и творивших здесь ученых, внесших большой вклад в исламское учение присоединяли нисбу «Шаши» или позднее «Ташканди». Под этими именами они стали известны всему мусульманскому миру.

Древний Ташкент является одним из благословенных мест, где покоятся великие и благочестивые ученые, мухаддисы и праведники. Именно здесь обрели вечный покой благородные тела Занги ата, Шейх Умар Вали Багистани, Шейх Хованд Тахура, Шейх Зайниддин Куйи Орифона и др.

Во второй половине XVIII века город Ташкент был разделен на четыре района. Согласно источникам, северный район известен как Каффал Шаши, южный – Зангиота, восточный – Шейх Хованд Тахур и западный – Шейх Зайниддин. Однако среди горожан их называли Себзор, Бешёгач, Шайхантахур и Кукча.

В Кукчинском районе было трое ворот (Сагбон, Чигатай и Кукча), 57 махаллей, 47 районов, 60 мечетей и два медресе. Цветущие сады района располагались вдоль рек Назарбек, Куксарой и Келес. Одной из достопримечательностей данной местности является мавзолей шейха Зайниддинбобо, построенный на территории кладбища поселка “Орифон” (ученые) за воротами Кукча. В исторических источниках название данного района также именуется как даха (район) шейха Зайниддина.

История махалли Кукча напрямую связана с именем шейха Зайниддинбобо. Его отцом был шейх Шахобиддин Суҳраварди (1145-1235), известный суфий из Багдада и один из лидеров суфийского тариката Суҳравардия.

В данной статье на основе средневековых источников изучена деятельность Шейха Зайниддин Куйи Орифона (1164-1259), сына основоположника суҳравардийского тариката Шейха Суҳравардия (1145-1234). В ней изложена история мавзолея, построенного Амиром Темуром, а также, исследована его роль в истории духовной жизни Ташкента. Отмечается миротворческая деятельность Шейха Зайниддина, его

роль в распространении чувств преданности, щедрости, милосердия и доброты среди людей.

**Ключевые слова:** Ташкент, Кукча, тасаввуф (суфизм), тариқат, Амир Темур, Шайх Сухравардий, Шайх Зайниддин Куйи Орифон, суфи, мулла, мусульманин, совершенная личность, доброта.

**Abstract.** In medieval sources, the city of Tashkent was called Shash. Many well-known scholars in the Islamic sciences, such as hadith, jurisprudence, and mysticism, emerged from Shash. Many great scientists from this region are known to the world by the nisbas of Shoshiy and Toshkandiy.

Ancient Tashkent was one of the sacred places where great and pious scientists, muhaddis, and righteous people have been buried. Here, the noble bodies of Zangi ata, Sheikh Umar Vali Baghistani, Sheikh Khovand Tahir, Sheikh Zayniddin Kuyi Arifon, and others found eternal rest.

In the second half of the XVIII century, Tashkent city was divided into four districts. According to the sources, these districts were known by the following names: the northern area - Kaffal Shashi, the southern part - Zangiota, the eastern part - Sheikh Hovand Tahir, and the western part - Sheikh Zayniddin Baba (grandfather). But the population of the city called them Sebzor, Beshyoghoch, Shaykhantakhur, and Kukcha, accordingly.

There were also three gates (Saghbon, Chigatoy, and Kukcha), 57 mahallas, 47 mausoleums, 60 mosques, and two madrasahs. On the banks of the Nazarbek, Kuksaroy, and Keles rivers were located the gardens of the district. One of the most remarkable places in this part of the city is the mausoleum of Sheikh Zayniddin Baba in the village of Orifon (Scientists) outside the Kukcha Gate. Historical sources show that the district is also called Sheikh Zayniddin.

The history of Kukcha mahallah is directly related to Sheikh Zayniddin Baba. His father was Sheikh Shahobiddin Suhrawardi (1145-1235), a well-known Sufi from Baghdad and one of the leaders of the Suhrawardiya tariqah.

In this article, based on medieval sources, the activities of Sheikh Zayniddin Kuyi Orifon (1164-1259), the son of Shaykh Suhrawardi (1145-1234) – the founder of the Suhrawardiya tariqah, are studied. The peacefulness of Shaykh Zayniddin and his role in spreading feelings of loyalty, generosity, mercy, and kindness among people are analyzed.

**Keywords:** Tashkent, Kukcha district, tasavvuf (Sufism), Amir Temur, Sheikh Suhrawardi, Sheikh Zayniddin Kuyi Orifon, Sufi, mullah, Muslim, perfect personality, kindness.

## КИРИШ

Тошкент қадимдан Марказий Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган шаҳарлардан бири бўлиб, унинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи археологик топилмалар ҳамда ёзма манбалар асосида батафсил ўрганилган ва бу соҳада изланишлар давом этмоқда. Айниқса, унинг XX асргача (1917 йилги инқилобга қадар) тарихи борасида В.В.Бартольд (1965:499-502;

Бартольд В., 1927:163-175), Н.Маев, Н.Г.Маллицкий (1915:1-2), Д.Эварницкий, А.Добросмыслов (1912:4), М.Е.Массон (1954:105-132), Б.Лунин (1981:51-63) ва бошқалар томонидан қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Тошкентнинг тарихий-типографик ҳолатига доир шаҳарнинг мудофаа деворлари, дарвозалари, кўчалари ва маҳалла, мавзелари ҳамда турар жойлар, маъмурий-маиший иншоотларнинг жойлашиши бирмунча аниқ ёритилган. Шаҳар девори Муҳаммад Солиххўжа томонидан шаҳарнинг тўрт чекка нуктаси қуйидагича кўрсатилган: шарқда – шайх Шибли ариғи ёнидаги Хитой дарвозаси, ғарбда – Кўкча дарвозаси, шимолда Чигатой дарвозаси, жанубда – Қанғли дарвозаси (Султонов Ў., 2007:54).

Шаҳарнинг асосини XIX асрга қадар Кўкча, Себзор, Бешёғоч ва Шайхонтохур даҳалари ташкил қилган. Даҳа номлари эса шу ҳудудларга ҳос тарихий, диний ва маданий жиҳатларни ўзида акс эттирган (Мухамедов Н., 2019:29).

Ҳар бир даҳа кўплаб маҳаллалардан ташкил топган бўлиб, вақт ўтиши билан уларнинг сони ҳам ўзгариб турган. Масалан, уларнинг сони XVIII асрда 150 та бўлган бўлса, XIX асрда 200 тагача, XX аср бошларида эса 250 тага етган [[http://toshkent.uz/www\\_data/articles/administrator/file](http://toshkent.uz/www_data/articles/administrator/file)].

Кўкча даҳаси шаҳарнинг ғарбий қисмида, асосан, ҳозирги Шайхонтохур тумани ҳудудида жойлашган. Унинг ҳудудини чуқур жарликлар кесиб ўтган. Чегараси шарқда Сағбон кўчасининг шарқидан, жануби-шарқ тарафидан Куйи Бўзсув бўйлаб (Маннон Уйғур ва Самарқанд дарвоза кўчалари оралиғидан) ўтган. Бу ерларнинг ғарбида кўкчаликларнинг боғлари ва полизлари бўлган. Асосан, Кайковус ва унинг шохобчаларидан суғорилган Кўкча даҳасининг чорбоғлари Назарбек, Кўксарой ҳамда Келес дарёси бўйларидаги жойларда бўлган.

XIX аср ўрталарида Кўкчада учта – Сағбон, Чигатой ва Кўкча дарвозалари бўлган. Кўкча маҳалласи тарихи бевосита Шайх Зайниддин бобо билан узвий боғлиқ.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри тўрт даҳага бўлинган. Манбаларда қайд этилишича, шимолий даҳа – Қафқол Шоший, жанубийси – Зангиота, шарқийси – Шайх Хованд Тахур ва ғарбийси – Шайх Зайниддин номлари билан эътироф этилган. Бироқ шаҳар аҳли ўртасида эса улар Себзор, Бешёғоч, Шайхонтохур ва Кўкча деб юритилган.

## УСЛУБЛАР

Тадқиқотчилар фикрича, Кўкча номи Кохча, яъни қалъача сўздан келиб чиққан. Бу атама VI-

XI аср археология ёдгорлиги Кўкча оқтепасига нисбатан айtilган. Бу ерда ҳаёт X-XI асрларгача давом этган. Оқтепа XIX асрнинг 80-йилларида текисланиб ташланган. Даҳада уч дарвоза (Сағбон, Чигатой ва Кўкча), 57 маҳалла, 47 мавзе, 60 масжид ва икки мадраса бўлган. Даҳанинг чорбоғлари Назарбек, Кўксарой ва Келес дарёси бўйларидаги жойларда бўлган. Даҳанинг эътиборли жойларидан бири Кўкча дарвозасидан ташқаридаги Орифон (билимлилар) қишлоғидаги мазоргоҳ ҳудудида Шайх Зайниддинбобо макбараси қурилган. Тарихий манбаларда даҳанинг номи Шайх Зайниддин даҳаси деб ҳам юритилган (Mukhamedov Nematullo, 2019:7).

Кўкча маҳалласи тарихи бевосита Шайх Зайниддинбобо билан узвий боғлиқ. Бу зотнинг отаси бағдодлик машҳур сўфий, суҳравардия тариқатининг раҳнаmolаридан саналган шайх Шаҳобиддин Суҳравардий (1145-1235) бўлган.

Алломанинг тўлиқ исми – Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Шаҳобуддин Суҳравардий бўлиб, бу ном алломанинг шимолишарқий Эроннинг Жабал ўлкасидаги Суҳравард шаҳрида туғилганига ишора қилади. Бироқ айрим манбаларда мазкур вилоят ҳозирги Озарбайжоннинг Занжон ҳудудида жойлашгани таъкидланади. Хусусан, машҳур тарихчи олим Шамсуддин Заҳабий “Китабул муштабаҳ фи асмаур рижал” асарида бу ҳақда фикр юритиб, “Зинжон Озарбайжоннинг бир вилоятидир” (Шамсиддин Заҳабий, 1863:230), - дейди”. Суҳравард ўша даврнинг илм-фан ва маданият ривож топган йирик шаҳарларидан бири бўлган (Даминов Э., 2010:3).

Шаҳобуддин Умар Суҳравардийнинг таржимаи ҳоли келтирилган ўрта аср манбаларида мутасаввифнинг ҳижрий 539 (мелодий 1144) йили Суҳравардда – Эроннинг Жабал ўлкасида туғилиб, ҳижрий 632 (мелодий 1234) йили муҳаррам ойида Бағдодда вафот этгани кўрсатилган.

Бироқ бу ҳақда “Шаҳобуддин Умар Суҳравардий” рисоласи муаллифи, тадқиқотчи Э.Даминов куйидаги фикрларни келтирган: “Аллома вафот этган жой хусусида айрим ихтилофлар борлигини таъкидлаш лозим. Баъзи манбаларда шайхнинг Бағдодда вафот топиб, ўша ердаги “Вардия” қабристонида дафн этилгани ҳақида гапирилса, Амир Темур даврида фаолият юритган, буюк фотиҳнинг машҳур тарихнависларидан бири бўлган йирик олим Фасиҳ Ҳавофий ҳамда рус шарқшуноси В.Бартольд кабилар унинг қабри айнан юртимизда – Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида жойлашган “Мири Жанда” қабристонида эканига ишора қиладилар” (Даминов Э., 2010:4).

Марҳум файласуф Омонулла Файзуллаевнинг таъкидлашича, “Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ас-

Суҳравардий (1145-1234/35) 25 ёшигача Хоразмда яшади, сўнг олис юртларда илмини оширди. 35 ёшида Бағдодда “шайхлар шайхи” даражасига кўтарилгани маълум.

У вақтларда Бағдод халифаси ан-Носир (1180-1225) эди. Бағдоднинг ташки давлатлар билан алоқалари баъзан мураккаблашиб қоларди. Шу пайтларда халифа Носир Шайх Умар Суҳравардийга мурожаат қилар ва уни давлатларга элчи қилиб юборарди. Масалан, Миср султони Малик Одил I билан ора бузилиб қолганда Суҳравардий элчи бўлиб бориб, сиёсий зиддиятни бартараф этиб, вазиятни юмшатишга муваффақ бўлган” (Файзуллаев О., 2014:5).

Суҳравардийнинг элчилик фаолияти тўғрисида марҳум файласуф олим О.Файзуллаев тўхталиб, куйидагиларни ёзган: “Ироқ, Эрон, Ғарбий Салжукийлар ва Хоразм давлатлари ораси бузилди, уруш бошланди (бир манбада Ироқ Ҳокими Рукниддин Тўғрул II Хоразмшоҳга қарши уруш бошлади дейилади. “Ўзбекистон халқлари тарихи” (1992) да: Хоразмшоҳ Ғарбий Салжукийлар султони Тўғрул II қўшинларига зарба беради, дейилган). Урушда Тўғрул ҳалок бўлади. Хоразмшоҳ Такиш ғолиб чиқади. Бағдод ва Эрон ерининг бир қисми Хоразмшоҳ қўл остига ўтади.

Бағдод халифаси ан-Носир ўз ерларини қайтариб бериш учун Хоразмшоҳ Такишга мурожаат қилади ва ўз вазирини Такишга тинчлик сарпосини кийгизиш учун юборади. Хоразмшоҳ вазир 10 минг аскар билан келаётганини билиб, улар билан жанг қилади ва лашкарини қириб ташлайди. Шундай қилиб, Хоразмшоҳ билан яна ора бузилади.

Энди бир йўл – шайх Умар Суҳравардийни Хоразмшоҳга Бағдоднинг элчиси қилиб юбориш қолган эди. Ва шундай бўлди. Ироқ, Бағдод, Салжукийлар, Хоразм ва Бухоро орасида дўстлик муносабатлари ўрнатилди. Султон Такиш вафотидан кейин (1200 й.) шайх Суҳравардий Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ҳукмронлиги даврида (1200-1220) ҳам ўзининг оламшумул вазифасини давом эттирди” (Файзуллаев О., 2014:5-6).

Бағдод халифаси Шайх Умар Суҳравардий биринчи навбатда йирик олим сифатида ҳурмат қилган. Шайх Умар Суҳравардий аббосий халифа Носирнинг ақидавий масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлгани тўғрисида маълумотлар бор. Ғарб олими Анри Карбен фикрига кўра, халифа футувват ғоясини қўллаб-қувватлаган эди (Добросмыслов А., 1912:11).

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашимиз керакки, Халифа Носир ҳукмронлиги даврида амалдорлар ва ҳунармандлар тариқати бўлмиш футувват ижтимоий ҳаётда устувор ўрин эгаллаган.

Шаҳобуддин Умар Сухравардий суфийликнинг буюк шайхларидан бўлишига қарамай, охират ва дунё илмини баравар эгаллади. Ўша даврда машҳур олимлар ҳукмдорларнинг сиёсий ва маданий соҳадаги фаолиятига жалб этилган. Бу ҳол Сухравардийни ҳам четлаб ўтмади, аммо у ўлканинг хос оимларидан фарқли равишда сарой сиёсий муҳитига фаол таъсир ўтказа бошлади. Сухравардий буюк дипломат ва ҳуқуқшунос сифатида кенг танилди. Илмий салоҳияти юқорилиги боис, амир унга кўплаб номлар битгани манбалардан маълум. Ҳатто, халифа уни Бағдод шайхлари раҳнамоси этиб тайинлади. Кейинчалик Сухравардий Халифа Носир (1180-1225) саройида маслаҳатчи даражасига кўтарилди ҳамда ўта долзарб, масъулиятли элчилик фаолияти билан ҳам шуғулланди (Даминов Э., 2010:7).

## НАТИЖАЛАР

Сухравардий тўғрисида ўрта аср манбаларида нафақат тариқат асосчиси, сиёсат арбоби, дипломат ва воиз сифатида эътироф этилган.

Сухравардий 20 дан ортиқ асар ёзгани маълум бўлса-да, бироқ улардан фақат биттаси – “Авориф ул-маориф” бизгача етиб келган. Бу асар мутахассислар ва шайху суфийларга ҳам маълум ва машҳур.

Асар 63 бобдан иборат бўлиб, асосан, тасаввуф ғносеологияси, одоб, ахлоқи (этикаси), руҳият тарбияси амалиётига бағишланган. Муаллиф бу китобида ўзидан олдин ўтган ал-Маккий, Қушайрий ва бошқа донишмандлардан кўчирмалар келтиради, янги фикрларини баён этади ва суҳравардия бир бутун тасаввуф таълимотига айланади. Шарк мамлакатларида уни тан оладилар (Файзуллаев О., 2014:6-7).

Тарихчи олим Ш.Ўлжаеванинг таъкидлашича, “Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад Ҳавофийнинг “Мужмали Фасиҳий” номли китоби муболаға, мактов ва шахсий ҳиссиётлардан ҳоли асар ҳисобланади ва Амир Темур давридаги тарихий воқеаларга аниқликлар киритишда катта аҳамият касб этади” (Ўлжаева Ш., 2008).

Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари машҳур “Рости русти” – “Куч адолатдаир” иборасини 1357 йили Шаҳобуддин Умар Сухравардийнинг кичик ўғли Шайх Зайниддиндан олгани (Фасиҳ Ҳавофий:103), шунингдек, Амир Темурнинг пири Шайх Шамсиддин Кулол суҳравардия тариқатига бефарқ бўлмагани эътиборга олинса, масала бир қадар ойдинлашади.

Муаррих Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида бу ҳақда бундай дейди: “Амир Тарағайнинг

бутун эътибори мусулмончилиқни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилган эди. Давлати худуди доим уламою фузало ҳожатларининг адо этилиш қибласи ва олий мажлиси солиҳлару фуқаро аҳлининг йиғингоҳи бўлди. У ҳирқаси жиҳатдан каромат насабли, художўй шайхулислом Шаҳобуддин Сухравардийга (Аллоҳ унинг азиз руҳини муқаддас қилсин) бориб етувчи Шайх Шамсиддин Кулолга сидқидилдан ихлос қилар эди ва унинг муборақ қабрига тез-тез бориб турарди” [“Зафарнома”, 1992:164).

Бундан ташқари, “Рости русти” атамаси бошда мўғуллар салтанатига қарши курашиш шиори сифатида қабул қилинган. Зеро, Умар Сухравардий шогирдлари ва ўғилларини айна шу мақсадда Ислом минтақасининг турли ҳудудларига сафарбар этган эди. Шу қабиларни эътиборга олган ҳолда комил ишонч билан айтиш мумкин, Шайх Шаҳобуддин Сухравардий абадий қўним топган жой Хузор (ҳозирги Ғузор) шаҳридаги “Мири Жанда” қабристонида (Даминов Э., 2010:3).

Тарихдан маълумки, шайх Шаҳобиддин 1215 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ хузурига Бағдод халифаси Носирнинг (1180-1225) элчиси сифатида келган ва узок муддат хоразмшоҳлар саройида элчи лавозимида ишлади.

Ўша даврда мамлакат устига шарқдан қора булут яқинлашар эди. Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар йўлида учраган ҳамма нарсани вайрон қилиб, бостириб келар эди. Уларга қарши туриш учун Сухравардийнинг содиқ издошлари ва шогирдлари ўша замондаги Ислом ҳудудлари бўйлаб тарқатиб юборилди.

Сухравардийнинг кичик ўғли, дин ва жамоат арбоби Шайх Зайниддин (1164–1259) Тошкентга келгани ёзма манбалардан маълум. У Тошкент шаҳрининг равақ топиши йўлида кўплаб хайрли ишларни амалга оширган.

Шайх Зайниддин отаси таълимотини Тошкентда кенг тарғиб этган. Унинг вафотидан сўнг, қабри зиёратгоҳга айланиб, атрофи Орифон деб ном олган қишлоққа айланган.

Кўкча аҳолиси, асосан, кўнчилик билан шуғулланган. Архив маълумотларига кўра, 1871 йилда даҳадаги 695 устахонадан 341 таси кўнтери, 218 таси қосибчилик устахонаси бўлган. Кўкчада 7 та хумдон, 22 та тегирмон, 22 та обжувоз, 34 та мактаб, 4 та мадраса (Эшон Бўрихўжа Сақичмоний, Шукрхон, Ҳофиз Кўҳакий, Шарафибой), 60 та масжид, 14 та қадамжо-мозорлар (Лангар ота, Яланғоч ота, Ваққос ота, Қўйчи мазор ва ҳ.к.) бўлиб, шундан энг машҳури Шайх Зайниддинбобо қабристони ҳисобланади ([www.e-tarix.uz/vatan-tarixi/378-kokcha.html](http://www.e-tarix.uz/vatan-tarixi/378-kokcha.html)).

“Шайх Зайниддин” жоме масжиди ва “Шайх Зайниддин ота” қабристон тахминан 700 йиллик тарихга эга. У зотнинг тўлиқ номи Шайх Зайниддин Кўйи Орифони Тошкандий ибн Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий бўлиб, 1164 йилда туғилган ва 1259 йил 95 ёшларида вафот этганлар. Оталари Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий Ироқ мамлакатининг Хоразмшоҳ давлатидаги элчиси бўлиб, 25 йил хизмат қилган. Шайх Зайниддин бобо шу даврда Хоразмдан Тошкентга келиб қолганлар.

Халқ орасида тарқалган ривоятларга кўра, Шайх Зайниддин бобо Тошкентга яқинлашганларида, шаҳарнинг Кўкча дарвозасидан бир неча чақирим нарида туя тўхтаб чўқади. Шайх Зайниддин бобонинг масканларига айланган ушбу жой, кейинчалик, Кўкча даҳасига айланади ва Орифон қишлоғи пайдо бўлади. Сўнгра бу ерда Ҳазрати Шайх Зайниддин бобо дафн этилиб, “Шайх Зайниддин бобо” қабристонига айланади.

Шайх Зайниддин Кўйи Орифоний фаолияти ва зиёратгоҳи тўғрисида муаррих Муҳаммад Солиххўжа “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида тўхталиб ўтган. Тадқиқотчи Ў.Султоновнинг қайд этишича, “...асарда келтирилган Қафқол Шоший, Шайх Муҳаммад парранда, Хожа Довуд, Шайх Хованди Тахур, Бобои Обрез, Ҳазрат Уккоша, Хожа Якка, Зангиота, Шайх Зайниддин Кўйи Орифон, Хожа Чироғбардор, Сайид Работакхўжа, Хожа Аламбардор каби бир қатор шахслар мазорларининг шаҳарда жойлашган ўрни, уларга туташ бинолар ва ўртасидаги масофалар ҳамда муаллиф замонидagi ҳолати тўғрисида аниқроқ маълумотлар олиш мумкин” (Султонов Ў., 2007:168).

ЎзР ФА Шарқшунослик институти Кўлғезмалар фондида сақланаётган Тохир эшон Хивақий қаламига мансуб “Тазкирайи накшбандия” кўлғезма асарида Ҳазрати Зайниддин Кўйи Орифоний Тошкандий қаддасаллоху таоло руҳаҳунинг зикри ҳақида шундай ёзилган: “У замон шайхи, у жаҳон муқтадоси, у ақлий ва нақлий илмларга олим, у шарияти мустафавияга омил (амал қилувчи), у ислом ва мусулмонларнинг зийнати, у қиёмат кунигача толибларнинг йўлбошчиси, яъни, Ҳазрати Шайх Зайниддин нуввира марқадуҳудир. У зот ҳам Ҳазрати Юсуф Ҳамадонийнинг асҳобларидан бўлганлар. Шайх Шихобиддин Сухравардийнинг ўғилларидирлар. Байт:

Баъди Юсуф нишаст Зайниддин,

Тожи сар омада ба аҳлиддин.

(Мазмуни: Юсуф Ҳамадонийдан сўнг Зайниддин Кўйи орифоний ўтирдилар, дин аҳлининг бошига тож бўлдилар).

Қуббалар остида яширин ва махфий эдилар. Уларнинг қабрлари табаррук ва серфайздир. Чунончи, Ҳазрати Хожа Аҳрор алайҳиррахма Зайниддин бобо қабри зиёратига кеча-кундуз борар эдилар. Бу нақшбандийлар хожаларининг китобларида машхурдир. Махдуми Аъзам Даҳбедий ҳам ўз вақтида ушбу табаррук мазордан табаррук истаганлар ва мадад топганлар. Уларнинг ҳаммасини Аллоҳ раҳмат қилсин. Шайх Зайниддин бобонинг муборак қабрлари Тошканддадир. Зиёрат қилинади ва табаррук этилади. Эй Аллоҳ, унинг баракотидан бизни ризқлантир!” (Тохир Эшон Хивақий : 60<sup>а</sup>).

Тошкент шаҳрининг ҳозирги Кўкча маҳалласидаги қабристон ҳудудида XIV асрга оид архитектура ёдгорлиги – Шайх Зайниддин (1164 йилда таваллуд топган) қабри узра қурилган макбара қад кўтариб турибди. Шайх Зайниддин Бағдод шаҳридан келиб, Тошкентнинг “Кўйи орифон” мавзесида муқим яшаб қолгани тарихий ҳужжатлардан маълум. Макбаранинг шундоқ ёнгинасида “Чиллаҳона” деб аталадиган, унча катта бўлмаган қурилма мавжуд ва у макбара мажмуаси билан унча қовушмайроқ туради. Археолог В.А.Левина-Булатова тадқиқотларидан маълум бўлишича, мазкур ёдгорлик XI асрга оид экан ва “Чиллаҳона” суғориш тизими қисмлари мавжуд маданий қатламга қурилган. Макбара пойдевори тадқиқ қилинганда ҳам шу нарсга маълум бўлди, яъни унинг остида илгари қурилган бино пойдевори топилди. Қурилиш ашёлари, хоналар шакли, Маккага қаратиб очилган меҳробга кўра, “Чиллаҳона” Ўрта Осиёга ислом кириб келиши даврига тааллуқли дейиш мумкин. Бу ерда XIV асрда Шайх Зайниддин қабри атрофида қабристон пайдо бўлган (Азизов С., 2009:250).

Мажмуадаги Чиллаҳона қадимий ва муқаддас бўлиб, хаттоки, мўғул қирғинида ҳам бузилмаган экан. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашимиз керак, Шайх Зайниддин бобо айнан шу Чиллаҳонани ўзига маскан қилиб олган.

Шайх Зайниддиннинг Тошкентга ташрифи мўғуллар босқинидан бир неча йил ўтиб, тахминан XIII асрнинг 30 йилларига тўғри келади. Ўша давр аждодларимиз учун ниҳоятда оғир дамлар эди. Барча шаҳарлар вайрон этилган, юз минглаб одамлар қириб юборилган, жамиятда бошбошдоқлик ҳукмрон эди. Бундан ташқари, оммавий очарчилик, турли касалликлар халқнинг тинқасини қуритган бўлиб, халқ руҳий кўмакка ниҳоятда муҳтож эди. Халқни тинчлантириш, имон-эътиқодини мустаҳкамлаш ғоятда зарур эди. Шу пайтда Шайх Зайниддиннинг иқтидори иш берди.

Шайх Зайниддин илгаридан бор бўлган икки қаватли ертўлага жойлашиб, шу ерда вақтининг

кўп қисмини ибодат, тафаккур билан ўтказди. У 95 йил умр кўрди. Шу сабабли “шарафли бобо” номига сазовор бўлди ва халқ орасида ижобий хотира қолдирди.

Халқимиз орасида Шайх Зайниддин ва унинг зиёратгоҳи ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Шундай ривоятлардан бирини XVII асрда яшаб ўтган олим Шайх ас-Сиддиқий (ваф. 1087/1676) «Ламаҳот мин нафаҳот ал-қудс» асарида шундай келтиради: *«Шайх Зайниддин Кўйиорифон Тошкандий айтганларки, фарзанд талаб бўлганлар бизнинг мазоримизни зиёрат қилиб, шу ерда Яратгандан фарзанд тиласа, албатта ниятига етгусидир»*.

Шунга биноан Шайх Умар Боғистоний умр йўлдошлари билан Шайх Зайниддиннинг мазорларига зиёратга келиб, қабрлари олдида Аллоҳ таолодан фарзанд сўраганлар. Вақт-соати келиб Аллоҳ таолонинг инояти билан улар фарзандли бўлишади. Шайх Умар уни Шайх Зайниддин мазорларига олиб борадилар. У ерда кабутарлар чақалоқни кўриб «ат-тахур, ат-тахур» деб сайрай бошлашади. Шайх Умар буни туғилган ўғлига башорат деб билади ва чақалоққа “Тахур” дея исм қўяди (Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova, 2020:1243).

Шундан кейин омма орасида ушбу зиёратгоҳ муқаддас масканга айланиб, унинг зиёратчилари сони янада ортиб кетади.

Шайх Зайниддин вафотидан сўнг унинг қабри зиёратгоҳга айлантирилади. Нақл қилинишича, соҳибқирон Амир Темур 1391-92 ва 1402 йилларда шайх Зайниддин бобо мақбарасини зиёрат қилган.

Амир Темур фармонига кўра, эски чорток устига ҳозирги мухташам ва салобатли мақбара қурилган. Шундан бери мазкур мақбара бир неча марта таъмирланган.

Тарихчи Салоҳиддин Тошкандий (*Салоҳиддин Тошкандий тўлиқ исми – Мулло Салоҳиддин ибн Мулло Алоиддин хожа эшон қаламига мансуб “Темурнома” (Амир Темур Кўрагон жангномаси) ноёб асар бўлиб, у 1908 йил Тошкентда Ильин босмахонасида тошбосма усулида чоп этилган*) нинг “Темурнома” асарида шундай дейилган: “Амир соҳибқирон... қанча ерларни вақф қилиб, андин кейин яна ҳазрат Шайх Зайниддин Кўйи Орифониға Кайковус суйидин наҳри азим чиқориб, қул, чўри бирла назр этиб, қабрлари узра гумбаз кўтариб, андин кейин Занги отани муборак қабрларини бино қилдилар...” (Салоҳиддин Тошкандий, 1990:326).

## ХУЛОСА

Шайх Зайниддин зиёратгоҳи асрлар давомида кишилар қалбини поклайдиган, уларни яхшиликка

чорлайдиган улў диний-маънавий маскан вазифасини ўтаб келмоқда.

Ҳозиргача халқ орасида Шайх Зайниддин бобони Тошкентнинг тўрт асосий ҳомийларидан бири сифатида эъзозланади. У ҳақда кўпдан-кўп ибратли ривоятлар бўлиб, унинг ерости Чиллахонаси ва мақбараси ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Тарихий манбаларда эса Шайх Зайниддин “сайидларнинг улуғи, шариф кишиларнинг кароматлиси ва буюғи”, “орифларнинг кутби ва ишончли раҳнамоси” деб таърифланган.

Шайх Зайниддин Кўйи Орифон Тошкандий ибратли ҳаёт йўли ва фаолиятини чуқур ўрганиш, халқ маънавиятини янада бойитиш, ёш авлодда ўтмиш маданий ёдгорликларига ҳурмат, Ватанга садоқат, миллий ғурур ва диний бағрикенглик маданиятини тарбиялаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун илмий тадқиқот ишларида қуйидаги омиллар устувор бўлиши мақсадга мувофиқдир:

– Тошкент ва минтақадаги муқаддас зиёратгоҳ ва тарихий обидаларнинг тарихий-географик жойлашувини аниқлаш;

– муқаддас қадамжоларни моддий маданият мероси сифатида ўрганиш;

– зиёратгоҳлар билан боғлиқ шахслар – шайх, авлиё, алломаларнинг ижтимоий мавқеини аниқлаш.

Шайх Зайниддин зиёратгоҳи кўҳна Тошкентдаги ислом маданияти ёдгорликларидан бири саналади. Ҳозирги кунда Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги “Шайх Зайниддин бобо” номи билан аталадиган жомеъ масжиди ва мақбараси эса у зотга нисбатан юксак эҳтиром намунаси.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Азизов С. Тошкент шаҳри Шайх Зайниддин мажмуасидаги чиллахонанинг фойдаланиши хусусида // Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган Халқаро илмий конференция материаллари. –Т.: Фан, 2009.
2. Бартольд В.В. Ташкент // Сочинения. В 9 т. т. -Москва, 1965. Т.3. -С.499-502; Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. -Ленинград, 1927. (Ташкент, -С. 163-175).
3. Даминов Э. Шаҳобуддин Умар Сухравардий (Мири Жанда ота). -Т.: Мовароуннахр, 2010.
4. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем (исторический очерк). -Т., 1912.
5. “Зафарнома” // “Шарқ юлдузи” журналы. 4-сон, 1992. -Т. -Б.164.
6. Лунин Б. История изучения прошлого и настоящего Ташкента. Дореволюционный период // ОНУ. 1981. № 12.

7. Маллицкий Н.Г. Ташкент (исторический очерк). «Известия Ташкентской городской думы», 1915, № 1, 2; Маллицкий Н.Г. Несколько страниц из истории Ташкента за последнее столетие. Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год 3й., 1897-1898;
8. Массон М.Е. Прошлое Ташкента: Археолого-топографический и историкоархитектурный очерк. Известия АН УзССР, 1954. № 2, -С. 105-132.
9. Мухамедов Н. А. (2019). THE ROLE OF THE MEMORIAL COMPLEX OF SHEIKH HOVAND TAHUR IN ISLAMIC CULTURE OF THE REGION. -The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 3. -P.29-33. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1026&context=ijau>.
10. Mukhamedov Nematullo (2019) "The role of the Sheikh Zayniddin complex in the spiritual life of Tashkent" // Multidisciplinary scientific journal "Arhivarius" collection of scientific publications. -P.7-14. <https://www.researchgate.net/publication/333985613>.
11. Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. -Т.: Чўлпон, 1990.
12. Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг Тарихи жадидаи Тошканд асари. -Т.: Ўзбекистон, 2007.
13. Тохир эшон Хивакӣ. Тазкирай нақшбандия. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар фонди. Қўлёмалар № 855. 60а -варақ.
14. Файзуллаев О. Шайх Зайниддин Қўйи Орифон Тошкандий / Масъул муҳаррир – Нозим Хабибуллаев. -Т.: "MERIUS" нашриёти, 2014.
15. Фасих Ҳавофӣ. Мужмали Фасихӣ. -Б.103.
16. Ўлжаева Ш. "Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши". Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т. 2008.
17. Шамсуддин аз-Заҳабӣ. Китабул муштабах фи асмаур рижал. Лейден, 1863.
18. Эварницкий Д.И. Краткая история города Ташкента. Путеводитель по Средней Азии от Баку до Ташкента в археологическом и историческом отношениях. -Т., 1893.
19. [http://toshkent.uz/www\\_data/articles/administrator/file](http://toshkent.uz/www_data/articles/administrator/file)
20. [www.e-tarix.uz/vatan-tarixi/378-kokcha.html](http://www.e-tarix.uz/vatan-tarixi/378-kokcha.html)
5. «Zafarnoma» // Magazine «Sharq Yulduzi». 4th, 1992. -Т. -Б.164.
6. Lunin B. History of studying the past and present of Tashkent. Prerevolutionary period // ONU. 1981. Number 12.
7. Mallitsky N.G. Tashkent (historical sketch). "Proceedings of the Tashkent City Duma", 1915, No. 1, 2; Mallitsky N.G. Several pages from the history of Tashkent over the last century. Minutes of meetings and reports of members of the Turkestan circle of archeology lovers. Year 3rd., 1897-1898.
8. Masson M.E. Tashkent's Past: Archeological, Topographical, Historical and Architectural Essay. Proceedings of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1954. No. 2, -C. 105-132.
9. Мухамедов Н. А. (2019). THE ROLE OF THE MEMORIAL COMPLEX OF SHEIKH HOVAND TAHUR IN ISLAMIC CULTURE OF THE REGION. -The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 3. -P.29-33. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1026&context=ijau>.
10. Mukhamedov Nematullo (2019) "The role of the Sheikh Zayniddin complex in the spiritual life of Tashkent" // Multidisciplinary scientific journal "Arhivarius" collection of scientific publications. -P.7-14. <https://www.researchgate.net/publication/333985613>.
11. Salohiddin Tashkandi. Temurnoma. -Т.: Cholpon, 1990.
12. Sultonov O'. The story of Muhammad Salihkhoja and his story on the history of Tashkent. -Т.: Uzbekistan, 2007.
13. Tahir Eshon Khivaki. Tazkirai nakshbandiya. Manuscripts Foundation of Institute of Oriental Studies of Academy of Sciences of Uzbekistan. The manuscript No. 855. 60a -varaq.
14. Fayzullaev O. Shaikh Zayniddin Kuyi Orifon Toshkandiy / Mas'ul muharrir - Nozim Habibullayev. -Т.: "MERIUS" publication, 2014.
15. Fasih Havofiy. Mujmali Fasihiy. -Б.103.
16. O'ljaeva Sh. "The development of national statehood in the kingdom of Amir Temur". Thesis dissertation for the Doctor of Historical Sciences degree. -Т. 2008.
17. Shamsuddin az-Zahabi. Kitabul mushtabah fi asmaur rijal. Leiden, 1863.
18. Evarnitsky D.I. Brief history of the city of Tashkent. A guide to Central Asia from Baku to Tashkent in the archaeological and historical relations. -Т., 1893.
19. [http://toshkent.uz/www\\_data/articles/administrator/file](http://toshkent.uz/www_data/articles/administrator/file)
20. [www.e-tarix.uz/vatan-tarixi/378-kokcha.html](http://www.e-tarix.uz/vatan-tarixi/378-kokcha.html)

## REFERENCES:

1. Azizov S. The use of chillakhana in the Sheikh Zayniddin complex in Tashkent // The capital of Uzbekistan Tashkent is 2200 years old. Materials of the International Scientific Conference dedicated to the 2200th anniversary of Tashkent city. -Т.: Fan, 2009.
2. Bartold V.V. Tashkent // Works. In 9 t. T. Moscow, 1965. V. 3. -С.499-502; Bartold V.V. The history of cultural life of Turkestan. -Leningrad, 1927. (Tashkent, -P. 163-175).
3. Daminov E. Shahabuddin Umar Suhravardiy (Miri Zhanda ota). -Т.: Movarounnaur, 2010.
4. Dobrosmyslov A.I. Tashkent in the past and present (historical essay). -Т., 1912.